

**“Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти  
билим Ўзбекистон энергетика, нефт-газ ва геология  
ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши**



**ТАРМОҚ (ТАРИФ) КЕЛИШУВИ**  
*(2022-2024 йиллар учун)*

Тошкент – 2022

## МУНДАРИЖА

I.	<i>Бўлим. Умумий қоидалар</i>	-	<b>3</b>
II.	<i>Бўлим. Тарафларнинг мажбуриятлари</i>	-	<b>3</b>
2.1.	<i>Жамият мажбуриятлари:</i>	-	<b>3</b>
2.1.1.	<i>Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти</i>	-	<b>3</b>
2.1.2.	<i>Меҳнат шартномаси ва бандликни таъминлаш</i>	-	<b>4</b>
2.1.3.	<i>Иш вақти ва дам олиши вақти</i>	-	<b>8</b>
2.1.4.	<i>Меҳнатга ҳақ тўлаш</i>	-	<b>13</b>
2.1.5.	<i>Меҳнатни муҳофаза қилиши</i>	-	<b>18</b>
2.1.6.	<i>Ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлар</i>	-	<b>21</b>
2.1.7.	<i>Ижтимоий шериклик. Касаба уюшмаси фаолиятининг кафолатларига риоя этилиши</i>	-	<b>24</b>
2.2.	<i>Касаба уюшмаси Республика кенгашининг мажбуриятлари</i>	-	<b>26</b>
III.	<i>Бўлим. Тарафларнинг биргаликдаги мажбуриятлари</i>	-	<b>28</b>
3.11.	<i>Аёллар меҳнатини тартибга солиши. Аёллар ва оиласиди вазифаларни бажарииш билан машгул шахсларга бериладиган кўшимча имтиёз ва кафолатлар</i>	-	<b>30</b>
3.12.	<i>Бўлим. Ёшлар учун кўшимча имтиёзлар ва кафолатлар</i>	-	<b>31</b>
3.13.	<i>Иш берувчи мажбуриятлари</i>	-	<b>32</b>
3.14.	<i>Касаба уюшма қўмитаси мажбуриятлари</i>	-	<b>33</b>
VI.	<i>Бўлим. Маданий-маърифий, жисмоний тарбия, согломлаштириш ва спорт ишлари</i>	-	<b>34</b>
4.1.	<i>Иш берувчи</i>	-	<b>34</b>
4.2.	<i>Маданий-маърифий ишларни яхшилаш учун тарафларнинг мажбуриятлари</i>	-	<b>35</b>
V.	<i>Бўлим. Мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш соҳасида</i>	-	<b>36</b>
VI.	<i>Бўлим. Келишувнинг бажарилишини ташкил қилиши ва назорат қилиши тартиби</i>	-	<b>36</b>

**“Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти билан Ўзбекистон энергетика, нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида 2022-2024 йиллар учун**

**ТАРМОҚ ТАРИФ КЕЛИШУВИ**

**I. Бўлим.Умумий қондалар.**

**1.1.** Мазкур келишув “Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти бошқаруви (кейинги ўринларда – “ИЭС” АЖ деб юритилади) билан Ўзбекистон энергетика, нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши (кейинги ўринларда – “касаба уюшма Республика Кенгаши” деб юритилади) ўртасида жамият олдида турган вазифаларни ҳал қилишда ижтимоий шерикчилик тамойили остида конструктив ҳамкорликни таъминлаш ва бозор муносабатлари шароитида тармоқ ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида тузилган.

**1.2.** Мазкур келишув меҳнат ва ишлаб чиқариш муносабатларини, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини тартибга солувчи, ҳамда ходимларни ижтимоий кафолатлар билан таъминловчи тармоқ микёсидаги меъёрий хужжатдир.

**1.3.** Мазкур келишув асосида мулкчилик шаклидан қатъий назар “ИЭС” АЖ тизимидағи барча корхоналарда иш берувчи билан касаба уюшма органи ўртасида жамоа шартномалари тузилади.

Корхоналар ўз ички имкониятларидан, ишлаб-чиқариш ва хўжалик фаолиятлари натижаларидан келиб чиқиб, мазкур келишувга киритилган у ёки бу кўрсаткичларни камайтирган ҳолда жамоа шартномаларига кўшимча тарзда кафолат ва имтиёзлар киритиш хукуқига эга.

**II. Бўлим.Тарафларнинг мажбуриятлари**

**2.1. “ИЭС” АЖ қўйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:**

**2.1.1. Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти.**

**2.1.1.1.** “Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда ривожлантириш стратегияси”га мувофиқ ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ҳамда “Иссиқлик электр станциялари” АЖ шаънига путур етказиши қалтисликларини олдини олиш буйича чора-тадбирлар амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашиш мажбуриятини олган ҳолда тарафлар:

- модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш жараёнларини жадаллаштириш, энергия тежамкорлигини таъминловчи замонавий технологияларни жорий қилиш;

- ишлаб чиқаришда электроэнергия ва материаллар сарфлари ва бошка харажатларни камайтириш ҳисобига тежамкорликнинг қатъий режимини жорий қилиш, ишлаб-чиқариш харажатлари ва маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини камайтириш, шу жумладан, технологик жараёнларни тақомиллаштириш;

- иш ҳақининг унумдор меҳнатга ундовчи ролини кучайтириш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимини такомиллаштириш;

- техник, технологик ва ишлаб чиқариш интизомига қатъий риоя қилинишини таъминлаш.

**2.1.1.2.** Истиқболли (прогноз) кўрсаткичлари асосида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва барқарорлаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва тармоқни ривожлантириш стратегиясини шакллантириш;

**2.1.1.3.** Хар бир корхона кирқимида асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш;

**2.1.1.4.** “ИЭС” АЖ таркибига кирувчи корхоналарда касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда ижтимоий тўловлар ва имтиёзлар учун сарфланадиган харажатларни аниклаш назорат-режа кўрсаткичларининг шакллантирилишини таъминлаш;

**2.1.1.5.** Маҳсулот ишлаб чиқаришда табиий ресурслар, материаллар ва энергия солиштирма истеъмолини босқичма-босқич камайтириш, юқори технологияларни тадбиқ этиш орқали электр ва иссиқлик энергияси исрофини камайтириш.

## **2.1.2. Меҳнат шартномаси ва бандликни таъминлаш.**

**2.1.2.1.** Тузилган меҳнат шартномаларига асосан касблар, малакалари мувофиқ ҳодимларнинг бандлигини таъминлаш.

**2.1.2.2. Ҳодим ва Иш берувчи ўргасидаги меҳнат муносабатлари меҳнат тўғрисидаги конунлар ва бошқа норматив ҳужжатларига биноан ёзма равишда тузилган меҳнат шартномаси билан тартибга солинади. Ишга қабул килинган шахслар билан **касаба уюшма қўмитасида** таништирув сухбати ўтказилади.**

**2.1.2.3.** Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташабbusи билан бекор қилинишини фақатгина Касаба уюшма қўмитасининг олдиндан ёзма розилиги олингандагина амалга ошириш (бундан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида назарда тутилган ҳоллар мустасно).

Куйидаги ҳолларда меҳнат шартномасини бекор қилинишида касаба уюшма қўмитасининг розилиги талаб килинмайди:

корхонани тугатилиши муносабати билан;

корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат кодексини 100-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослардан бирига кўра бекор қилишда;

мулк эгасининг алмасиши сабабли корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан меҳнат шартномасини бекор қилишда.

Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташабbusига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган тақдимнома касаба уюшмаси қўмитасида “Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 19.03.2021 йилдаги 2-37“с”-сон Қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси органларида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташабbusига кўра бекор

қилиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиш Тартиби” асосида кўриб чиқилади.

**2.1.2.4. Иш берувчи ходимларни оммавий равишида ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси органи ахборот тақдим этиш, ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Иш берувчи, шунингдек камида икки олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи микдорини кўрсатган ҳолда, ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.**

**Корхона** ходимларининг рўйхатдаги сонидан 10 фойзининг бир вактининг ўзида ишдан озод этилиши ходимларнинг оммавий равишида ишдан озод этилиши деб хисобланади.

(Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Конунининг 18-моддасига биноан, ходимларининг умумий сони 100 кишидан ортиқ бўлган ташкилотлардан рўйхатдаги ходимлар ўртача сонининг 10 ва ундан ортиқ фоизи ишдан бўшатилиши ходимларни оммавий равишида ишдан бўшатиш деб хисобланади).

**2.1.2.5.** Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда:

- ишда қолдириш учун имтиёзли хукуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юкорирок бўлган ходимларга берилади. Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 103-моддаси талабларига мувофиқ ишда қолиши афзалликларига эга бўлган ходимлар тоифаларини аниқлаш;

- ишлаб чиқариш зарурияти ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда вактинча ва ўриндошлик лавозимида ишлаётганлар сонини чеклаш;

- штатлар қисқартирилганда Меҳнат кодексининг 103-моддасида кўзда тутилган ходимлар тоифаларидан ташкари пенсия ёшига тўлишига 2 йил қолган ходимларга ҳам ишда қолишида афзаллик бериш;

- ишдан бўшатилаётган ходим корхонага зарур бўлган ихтисослик бўйича меҳнат муносабатларини давом эттириш хоҳишини билдирса, унинг қайта ўқитилишини ташкил қилиш.

**2.1.2.6.** Таркибий бўлинмалар, бўлимлар ва бошқаларни тугатиш ёки таркибий жихатдан қайта ўзгартириш масалалари тўғрисида касаба уюшма кўмиталарини билан камида 2 ой олдин маслаҳат қилинади.

**2.1.2.7.** Ходимнинг ташаббуси билан уни вактинча бошқа ишга ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 94-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланган тартибда амалга оширилиши таъминланади.

**2.1.2.8.** Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиши муносабати билан ходимни унинг розилигисиз вактинча бошқа ишга ўтказиш ва бунда унинг меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 95-

моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланган тартибда амалга оширилиши таъминланади.

Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб колиниши муносабати билан иш берувчининг ташаббуси билан ходим (ўзининг розилигисиз) вақтинча бошқа ишга ўтказилиши мумкин. Ишлаб чиқариш зарурияти деб хисобланувчи ҳолатлар жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади.

Ишлаб чиқариш, ташкилий техник тусдаги ёки бошқа объектив сабабларга кўра ходим иш билан таъминланмаган ҳолатлар бекор туриб колиш деб хисобланади.

Вақтинча бошқа ишга ўтказишлар муддати ишлаб чиқариш заруриятини келтириб чиқарган омилларни бартараф этиш вақти билан, бекор туриб қолишларда эса – бекор туриб колинишнинг бутун даври билан белгиланади. Барча ҳолларда иш берувчининг ташаббуси билан ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси йил давомида **60** кундан ошмаслиги керак.

Ходим иш берувчининг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унга бажарилаётган ишга қараб, лекин аввалги ўртача иш хақидан кам бўлмаган микдорда хақ тўланади.

**2.1.2.9.** Ходимларни дам олиш ва байрам кунларида ишга жалб қилиш Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 130–132-моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланган тартибда амалга оширилиши таъминланади.

**2.1.2.10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–3706-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сонли қарори билан тасдиқланган “Касаначилик меҳнати тўғрисидаги Низом”га мувофиқ касаначилик меҳнати жорий қилинган корхоналарда касаначиларнинг ижтимоий-иктисодий манфаатлари ва меҳнат кафолатларини жамоа шартномалари оркали таъминлаш.

**2.1.2.11.** Иш берувчи ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш бўйича йиллик сарф-харажатларни молиялаштириш маблағларини тасдиқлайди.

**2.1.2.12.** Яширин ишсизлик ҳолатларида (ходимнинг айбисиз бўш туриб қолишлар, қисқартирилган иш режими ва х. к) корхоналар ходимлари учун мазкур келишувда кўзда тутилган хукуқ, имтиёз ва кафолатларни саклаш.

**2.1.2.13.** Штатлар қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатилган тегишли малакага эга бўлган ходимларга корхонада очиладиган вакант лавозимларни эгаллаш бўйича имтиёзли хукуқ берилади.

**2.1.2.14.** Олий, ўрта маҳсус таълим муассасалари битирувчилари, Ўзбекистон Республикаси куролли кучлари сафида муддатли харбий хизматдан қайтган шахслар ва ижтимоий ҳимояга мухтоҷ аҳоли қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга ҳар томонлама кўмаклашиш.

**2.1.2.15.** Энергетика касби бўйича мутахассислар тайёрлашни, касб-хунар коллажлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга

жойлаштирилишини таъминлаш, ёш мутахассисларни ўз иш ўринларида кўнимилиги учун иш берувчилар масъулиятини ошириш.

**2.1.2.16.** Тармок тизимидағи корхоналарда ходимнинг ишдаги ютуклари ва мувофакиятлари учун куйидаги рағбатлантириш чоралари кўлланилади:

- давлат мукофотлари билан тақдирланишга номзодини тавсия этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги фахрий ёрлиги билан тақдирлаш;
- акциядорлик жамияти фахрий ёрлиги билан тақдирлаш;
- ташкилотлар фахрий ёрлиги билан тақдирлаш;
- пул маблағи билан рағбатлантириш;
- қимматбаҳо совға билан тақдирлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг санатория ва дам олиш уйларига, тармок санаторий-профилакторийларига имтиёзли йўлланмалар тақдим этиш.

**2.1.2.17.** Корхонада 55 ёшдаги меҳнат фаолиятини давом эттириш истагидаги аёлларни ПҚ-4235 (07.03.2019й.) га мувофиқ “аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки конун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш хукуки вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор килиш тақиқланади.

**2.1.2.18.** “Карантин даврида коронавирус инфекцияси билан заарланиб карантинга жойлаштирилган 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор килиш тақиқланади”. (ПФ-5969 19.03.2020й).

**2.1.2.19.** Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган қуйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш:

- «Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги» 1930 йилги Конвенция (29 – Конвенция). 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.
- “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги” 1930 йилги Конвенцияга (2014 йилги Баённома). 2019 йил 25 июня ратификация қилинган.
- «Хафта давомидаги иш вақтини кирқ соаттагача қисқартириш тўғрисидаги» 1935 йилги Конвенция (47 – Конвенция). 1995 йил 6 майда ратификация қилинган.
- «Йиллик хак тўланадиган таътиллар тўғрисида”ги 1936 йилги Конвенция (52 – Конвенция). 1995 йил 6 майда ратификация қилинган.
- Мехнат инспекцияси тўғрисида”ги 1947 йилги Конвенция (81-сонли Конвенция). 2019 йил 27 августда ратификация қилинган.
- «Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш хукуки тўғрисида”ги Конвенция (87 – Конвенция); 2016 йил октябр ойида ратификация қилинган.
- «Касаба уюшмаларига бирлашиш ва жамоа музокараларини олиб бориш хукуки принципларининг кўлланиши тўғрисида”ги 1949 йилги Конвенция(98 – Конвенция). 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.

- «Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-кизларга тенг хак тўлаш тўғрисида»ги 1951 йилги Конвенция (100 – Конвенция). 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.

- «Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (1952 йилда қайта кўриб чиқилган) Конвенция (103 – Конвенция). 1995 йил 6 майда ратификация қилинган.

- «Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида»ги 1957 йилги Конвенция(105 – Конвенция). 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.

- «Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида»ги 1958 йилги (111 – Конвенция)\*. 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.

- «Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёsat тўғрисида»ги 1964 йилги Конвенция (122 – Конвенция). 1995 йил 6 майда ратификация қилинган.

- «Корхонада меҳнаткашлар вакилларининг хукукларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида»ги 1971 йилги Конвенция(135 – Конвенция). 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.

- «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги 1973 йилги Конвенция (138 – Конвенция). 2008 йил 4 апрелда ратификация қилинган.

- «Жамоа музокараларига кўмаклашиш тўғрисида»ги 1981 йилги Конвенция (154 – Конвенция). 2008 йил 4 апрелда ратификация қилинган.

- «Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинич чоралар тўғрисида»ги 1999 йилги Конвенция (182 – Конвенция).2008 йил 8 апрелда ратификация қилинган.

- Халқаро Мехнат Ташкилотининг “Халқаро меҳнат нормалари кўлланишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисида”ги 1976 йилги Конвенция (144-сонли Конвенция). 2019 йил 4 марта ратификация қилинган.

- “Кишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисида”ги 1969 йилги Конвенция (129-сонли Конвенция). 2019 йил 27 августда ратификация қилинган.

**2.1.2.20.** Жамоа шартномаларида ёш мутахассислар малакасини ошириш ва шогирд-кадрлар тайёрлаш масалалари бўйича юқори малака ва тажрибага эга бўлган нафакадаги мутахассислар ўрнатилган тартибда жалб этилиши кўзда тутилиши мумкин.

**2.1.2.21.** Мехнат бозорини тартибга солиш соҳасида конун билан ўрнатилгантартиб устидан назорат самарадорлигини ошириш, шу жумаладан касаба уюшмалари инспекцияларининг иштирокини кенгайтириш йўли билан.

**2.1.2.22.** Касаба уюшмаларининг меҳнат қонунчилиги талаблари бузилган ҳолатлар бўйича киритган тақдимномаларни иш берувчилар, (уларнинг бирлашмалари) кўриб чиқмаганда ёки ундаги талабларни бажаришини асоссиз рад этганда давлат меҳнат инспекциясига берилган қонуний ваколатларни кўллаган ҳолда бажарилишини таъминлашда кўмаклашади

### **2.1.3. Иш вақти ва дам олиш вақти.**

**2.1.3.1.** Бир хафталик иш вақтининг нормал муддати 40 соатдан ортиқ бўймаслиги керак. Сменада (навбатда) туриб ишлайдиган ходимларнинг иш

вақти, иш вактини жамлаб ҳисоблаш амалга оширилган ҳолда смена графигига мувофиқ аникланади ва ҳисобга олинадиган даврдаги иш вактининг муддати иш соатларининг нормал микдоридан ошиб кетмаслиги керак.

**2.1.3.2.** Тармоқ ходимлари учун иш вакти ва дам олиш вақтларининг режими Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги хужжатларига мувофиқ ички меҳнат тартиб-қоидалари билан белгиланади.

**2.1.3.3.** Кўйидагилар учун қисқартирилган (бир ҳафтада 36 соатдан ошмайдиган) иш вакти белгиланади:

- 18 ёшга тўлмаган ходимлар учун – 36 соат;
- I ва II гуруҳ ногиронларига – 36 соат;
- нокулай меҳнат шароитларида ишлаётган ходимлар учун (тасдикланган рўйхат бўйича) – 36 соат;
- уч ёшгача фарзанди бўлган аёллар учун – 35 соат.

Ҳар бир корхонадаги меҳнат шароитлари нокулай бўлган ишлар рўйхати ва улардаги иш вактининг аник муддати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли карори билан тасдикланган «Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ иш жойларини аттестациядан ўтказиш натижаларига кўра тегишли жамоа шартномалари орқали белгиланади (МК 116–117-моддалари).

**2.1.3.4.** Ходимни унинг розилиги билангина ишдан ташқари вактларда ишга жалб қилиш. Бунда иш сменаси 12 соатдан иборат бўлган ишчиларни, оғир ва заарли меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни, ҳомиладор аёлларни ва 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишдан ташқари вактда ишга жалб қилмаслик (МК 124–моддаси).

**2.1.3.5.** Иш вактидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (меҳнат шароити оғир ва заарли ишларда – бир кунда икки соатдан) ва йилига 120 (бир юз йигирма) соатдан ортиқ бўлмаслигини таъминлаш.

**2.1.3.6.** Иш вакти жамлаб ҳисобга олинадиган иш режимида банд бўлган ходимларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг вактбай шакли бўйича ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи микдори, ҳисобга олинадиган давр якунлари бўйича кейинчалик тўғриланиш шарти билан, tenglashтирилиши кафолатланади. Бунда ҳисобга олинадиган давр мобайнида иш соатларининг норматив микдоридан ортиқ ишланган вакт учун ходимнинг хоҳишига кўра унга иш вактидан ташқари вактда бажарилган ишлар учун тўланадиган микдорларда ҳақ тўланади ёки дам олиш куни берилади.

**2.1.3.7.** Ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган фарзанди (16 ёшга тўлмаган ногирон фарзанди) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигига шундай фарзанди бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган ходимнинг илтимосига кўра, тиббий хulosага мувофиқ, уларга тўлиқсиз иш ҳафтаси белгиланади.

Тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси учун ходимларга ишлаган ҳақиқий иш вақтларига ҳақ тўланади (МК 119, 229-моддалари).

**2.1.3.8.** Тезкор хизмат ходимларига сменани қабул қилиб олиш учун иш вакти бошланишидан олдин 20 дақиқалик ҳақ тўланадиган вакт белгиланади.

**2.1.3.9.** Саноат-ишлиб чиқариш ходимлари учун асосий 15 иш куни ва тармоқ хусусиятини инобатга олган ҳолда кўшимча б иш куни – жами 21 иш кунидан иборат, ишлиб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳа ходимлари учун асосий 15 иш кунидан иборат (тармоқ тибиёт ходимларидан ташқари), кўриклиш хизмати оддий ходимлари (харбийлаштирилган коровуллик) учун 21 календарь куни ва раҳбар ходимлари учун 30 календарь кунидан иборат асосий таътиллар белгиланади.

**2.1.3.10.** Кўйидаги ходимлар тоифаларига 30 календар куни ҳисобида узайтирилган асосий таътил бериш:

- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
- ишлаётган I ва II – гурух ногиронларига.

**2.1.3.11.** Мехнат жараёнида соглигига физиковий, кимёвий, биологик ва ишлиб чиқаришнинг бошка заарли омиллари таъсир этадиган ходимларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 25 сентябрь 263-сонли “Ходимлар меҳнатини муҳофазаси килиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги карорига мувофиқ иш жойларини аттестациядан ўтказиш натижаларига кўра 3 кундан 18 кунгача кўшимча таътиллар бериш.

**2.1.3.12.** Кўйидаги ҳолларда ходимларга ҳақ тўланадиган кўшимча ишламайдиган кун берилади:

- |  |          |
|--|----------|
| - ходимнинг никоҳ тўйида   | – 3 кун; |
| - фарзанди туғилганда (отага)  | – 2 кун; |
| - фарзандларининг никоҳ тўйларида  | – 3 кун; |
| - яқин қариндоши вафот этганда (ота-онаси, ака-укаси,<br>опа-синглиси, фарзанди, турмуш ўртоги ва турмуш ўртоғининг ота-<br>онаси дағн маросимлари | – 3 кун. |

**2.1.3.13.** Икки ва ундан ортиқ 12 ёшгача фарзанди бўлган ёки 16 ёшгача ногирон фарзанди бўлган ёки 16 ёшгача ногирон фарзанди бўлган аёлларга 3 иш кунидан иборат бўлган ҳақ тўланувчи кўшимча таътил бериш.

**2.1.3.14.** Кўп сменали иш режими учун 4 иш кунигача ҳақ тўланадиган кўшимча таътил белгиланади (бунда 2 сменада ишловчиларга ишлаган ҳар икки йил учун бир кундан, лекин 2 кундан ортиқ бўлмаган, 3 сменада ишловчиларга ишлаган ҳар бир йили учун бир кундан, лекин 4 кундан ортиқ бўлмаган кўшимча таътил берилади).

**2.1.3.15.** Биринчи раҳбарларга ҳақ тўланадиган 3 кун кўшимча таътил бериш.

**2.1.3.16.** Умумий иш стажига караб, ҳақ тўланадиган ва жамоа шартномалари орқали аникланадиган микдорларда кўйидагича кўшимча таътиллар бериш (иш кунлари ҳисобидан):

- |                       |         |
|-----------------------|---------|
| 1 йилдан 3 йилгacha   | - 1 кун |
| 3 йилдан 5 йилгacha   | - 2 кун |
| 5 йилдан 10 йилгacha  | - 3 кун |
| 10 йилдан 15 йилгacha | - 4 кун |
| 15 йилдан 20 йилгacha | - 5 кун |
| 20 йилдан ортиқ       | - 6 кун |

**2.1.3.17.** Мактабгача ёшдаги фарзандларини биринчи ўкув йилига тайёрлаш учун оналарга (аризага асосан) ўкув йили бошланишидан олдин, бир кун ҳақ тўланадиган қўшимча таътил бериш.

**2.1.3.18.** Мехнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан, унинг муддати тугаши муносабати билан) ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътилларни бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб хисобланади.(МК 152 моддаси).

**2.1.3.19.** Конун хужжатлари билан ўрнатилган йиллик меҳнат таътилларининг умумий давомийлиги (кўшимча таътиллар билан биргаликда) 48 иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмас.

**2.1.3.20.** Йиллик таътилларни бериш навбати ва тартибини календар йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшма кўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 143 ва 144 моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда аниqlаш.

**2.1.3.21.** Ходимнинг аризасига кўра унга иш ҳаки сакланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч оидан ортиқ бўлмаслиги керак (МК 150-моддаси).

**2.1.3.22.** Йиллик асосий таътилни олиш хукукини берувчи иш стажига куйдагилар киради:

- иш йили давомида ҳакиқатдан ишлаган вақти;
- ходим ҳакиқатдан ишламаган бўлса ҳам, лекин унинг иш жойи саланган вақт, бундан болани парваришилаш учун қисман ҳақ тўланадиган таътил ва иш ҳаки сакланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътиллар бундан мустасно;

- меҳнат шартномаси гайриконуний равища бекор қилинганлиги ёки ходим гайриконуний равища бошқа ишга ўтказилганлиги натижасида пайдо бўлган ҳақ тўланадиган мажбурий прогул вақти, башарти ходим кейинчалик аввалги ишига тикланган бўлса;

- тармок корхоналарида тузилган жамоа шартномаларда иш ҳаки сакланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътил вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш хукукини берадиган меҳнат стажига қўшиш назарда тутилади.

**2.1.3.23.** Балогат ёшига етмаган (4 ва ундан ортиқ) фарзандлари бўлган аёллар учун ойлик иш ҳакларини саклаган ҳолда иш ҳафтасини 1 соатта қискартириш.

**2.1.3.24.** Таътил бошланмасдан олдин охирги иш кунида таътил учун ҳақ тўланишини таъминлаш (МК 148 моддаси).

**2.1.3.25.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 144-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлар тоифаларидан ташқари куйидаги ходимларга меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун кулай бўлган бошқа вақтда берилади:

**а)** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 мартдаги 153-сонли карорига асосан ижтимоий аҳамиятга молик касаллик бўйича ҳисобда турган ходимларга;

**б)** бетоб оила аъзосини парваришилаётган ходимларга.

**2.1.3.26.** Мехнат кодексининг 150-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлардан ташқари (I ва II гурух ногиронлари, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёллар) куйидаги ходимларга ҳам уларнинг хохишига кўра иш ҳаки сакланмаган ҳолда муқаррар тартибда 14 календар кунга қадар таътил берилади:

**а)** бетоб оила аъзосини парваришилаётган ходимларга;

**б)** 30 ёшгача бўлган ёш оила аъзоларига.

**2.1.3.27.** Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўкувчилар ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, аёллар ва оиласи вазифаларни бажариш билан машғул бўлган шахслар учун имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 14-боби талабларига риоя килинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланади.

**2.1.3.28.** Ходим билан иш берувчи келишувига биноан ишга кабул қилиш чогида ҳам, кейинчалик ҳам тўликсиз иш куни ёки тўликсиз иш хафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

**2.1.3.29.** Янги йил, Наврўз ва Мустақиллик байрамлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳар йилги тегишли Фармонига мувофиқ ходимларга кўшимча ишланмайдиган дам олиш кунларини белгилаш. Бунда, ҳар йилги меҳнат таътили даврида сакланадиган ўртacha ойлик иш ҳаки микдорини ҳисоблашда байрамлар муносабати билан кўшимча белгиланган ишланмайдиган кунлар ҳам инобатга олинган ҳолда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳар йилги тегишли Фармонига мувофиқ ходимларга Меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги расмий байрамлар муносабати билан кўшимча белгиланган дам олиш кунлари ҳам инобатта олинган ҳолда сакланади.

**2.1.3.30.** Корхонада Республика миқёсида табиий офатлар, форс-мажор (эпидемия, сув тошқини, кўчки, зилзила, сел, довул, тўфон, куюн), техноген тусдаги фавкулодда вазиятлар: ёнгин, технологик жараёндаги авариялар, кимёвий авариялар бошқалар) ҳолатлар содир бўлган даврда ходимлар иш фаолиятини тегишли буйруклар асосида масофавий иш усулида, мослашувчан иш графиги асосида ёки уйда ишлаш тизимига ўтказиш жорий этилиши мумкин.

**2.1.3.31.** Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўкувчилар ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, аёллар ва оиласи вазифаларни бажариш билан машғул бўлган шахслар учун имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг XIV - боби талабларига риоя килинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланади.

**2.1.3.32.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори билан тасдиқланган “Туман коэффициентлари, шунингдек, йиллик кўшимча таътилининг энг кам муддати қўлланиладиган табиий-иклим шароитлари оғир ва нокулай бўлган жойлар Рўйхати”да

кўрсатилмаган табиий-иклим шароитлари нокулай бўлган айрим жойларда ишлаганлик учун устамалар ва қўшимча таътиллар кўлланилиши тўғрисидаги шартларни нобуджет ташкилотларнинг жамоа келишувлари ва шартномаларида назарда тутиш тавсия этилади.

**2.1.3.33.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чикиришлар ва иктисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармок коэффициентларини кўллаш тартиби ва уларнинг миқдори тўғрисида Низом” талаблари тадбиқ қилинишини;

Кўчма ва қатнаш тусдаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек устамалар миқдори иш берувчилар томонидан касаба уюшма қўмитаси билан келишган ҳолда белгиланишини ва жамоа шартномасида кўрсатилишини;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, ҳамда Ўзбекистон автомобиль транспорт агентлигининг 2019 йил 22 январдаги 2-2019/КҚ ва 1/103-сон қарор билан тасдиқланган “Автомабил транспорти ҳайдовчиларимехнатга ҳак тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги Низом” талаблари тадбиқ қилинишини тавсия этиш.

**2.1.3.34.** Нархларнинг ўзгариб боришига, инфляция даражасига, келишувларда белгилаб кўйилган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳак тўлашни тартибга солиш механизми жамоа шартномаларида белгиланади.

#### **2.1.4. Меҳнатга ҳак тўлаш.**

**2.1.4.1.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 9-боби талабларига риоя қилинишини таъминлаш.

**2.1.4.2.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорида белгиланган меҳнатга ҳак тўлашнинг энг кам миқдоридан (**МҲЭКМ**) келиб чиқсан ҳолда меҳнатга ҳак тўлаш миқдорларини меҳнатга ҳак тўлашнинг ягона тариф сеткаси (**ЯТС**) разрядларига мувофиқ ўз вақтида қайта кўриб чиқилишини таъминлаш.

**2.1.4.3.** Корхоналарда меҳнатга ҳак тўлашнинг амалда бўлган ягона тариф сеткаси «1» разряди бўйича ойлик тариф ставкасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ -5723 сонли Фармонига мувофиқ, меҳнатга ҳак тўлашнинг энг кам миқдоридан (келгуси ўринларда **МҲЭКМ**) кам бўлмаслигини таъминлаш. (МКнинг 155-моддаси).

**2.1.4.4.** Тармок тизимидағи барча корхона ва ташкилотларда меҳнатга ҳак тўлашнинг шакли ва тизими, турли устамалар, мукофотлар, қўшимча ва компенсация тўловларининг аник миқдорлари амалдаги қонунчилик хужжатларига асосан ишлаб чиқилган, касаба уюшма қўмиталари билан келишилган ички меъёрий хужжатларга мувофиқ белгиланади ва жамоа шартномаларида мустахкамлаб кўйилади. Меҳнат муносабатларига оид тармок миқёсидаги раҳбарий хужжатлар касаба уюшма Республика Кенгаши билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

Ходимларнинг лавозим маошлари ва тариф ставкалари меҳнатига ҳак тўлаш бўйича тармоқ микёсида қабул килинган ягона тариф сеткаларига (ЯТС) мувофиқ белгиланади.

**2.1.4.5.** Меҳнатга ҳак тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тизими, шакли ва шартларини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг ходимлар ахволини нокулай томонга ўзгартирадиган янги тизими ва шаклини киритиш камида икки ой олдин касаба уюшма қўмитаси билан расман келишилган ҳолда амалга оширилади.

**2.1.4.6.** Мукофот хисобот ойида ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бажарилиши натижаларига кўра ҳисобланади.

Мукофот хисобот ойи учун, кейинги ойда хисоботлар топширилгандан кейин берилади. Унинг микдори ҳаражатлар сметасига киритилиб, умумий иш ҳаки фонди доирасида ҳисобланади.

**2.1.4.7.** Ҳар бир ходимга хисобот ойидаги иш ҳакидан келиб чиқиб, ҳақиқатда ишлаган вақти ва қўлга киритилган умумий натижаларга кўшган ҳиссасига мутаносиб равища мукофот ҳисобланади.

**2.1.4.8.** Умумий меҳнат натижалари учун мукофот микдорларини камайтириш сабаблари кўрсатилиб, раҳбар буйруги билан расмийлаштирилади.

**2.1.4.9.** Касаллик туфайли, нафақага чиқиш, ҳарбий хизматга чақирилиши, ўқишига кириши, штатлар жадвали қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатилган ходимлар бир ойдан кам ишлаган бўлсалар, ишлаган кунларига мутаносиб тарзда мукофот ҳисобланади.

**2.1.4.10.** Мукофот штатлар жадвали бўйича тасдиқланган иш ҳакидан келиб чиқиб ишлаган кунларига мутаносиб равища ҳисоблаб берилади.

**2.1.4.11.** Куйидаги ҳолатларда алоҳида ходимлар учун мукофот микдори 100 фоизгача камайтирилиши мумкин:

- муҳим ва назорат остидаги топширикларни ўз вақтида бажармаганлиги учун 30 - 50 фоизгача;
- чорак ва йиллик хисоботларни ўз вақтида топширмаганлиги учун 50-100 фоизгача;
- бир маротаба меҳнат интизомини бузганлиги учун 30 – 50 фоизгача;
- такроран меҳнат интизомини бузганлиги учун 100 фоизгача.

**2.1.4.12.** Асосий хўжалик фаолияти якунлари бўйича ходимларга мукофот ҳисоблаш жараёнида раҳбар ўринбосарлари, бўлим бошликларининг тақлифлари, улар қўл остида ишлайдиган ходимларга нисбатан ўрганиш ва мухокама килиш учун қабул қилинади.

**2.1.4.13.** Курилаётган муҳим стратегик обьектларни (иссиқлик электр станциялар, йирик подстанциялар, электр ўтказгич линиялари ва бошқалар) белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилганилиги, курилиш қийматини сметага нисбатан арzonрок бўлишини таъминланганлиги учун курилишда фаол қатнашган ходимларга ойлик иш ҳақининг 1-3 баробаригача иш ҳаки фонди чегарасида пул мукофоти берилади.

**2.1.4.14.** Интизомий жазога тортилган ходимларга нисбатан, жазо амал килиш муддати давомида Меҳнат Кодексининг 181 ва 183 моддаларига мувофиқ рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди.

**2.1.4.15.** Интизомий жазога тортилган ходимларга нисбатан рағбатлантириш чоралари кўлламаслик сабаблари кўрсатилиб, ҳар бир ҳолатда Иш берувчи буйруги билан расмийлаштирилади.

**2.1.4.16.** Ходимнинг айбисиз юзага келган бўш туриб қолишлар учун ўртача иш ҳакининг сакланишини таъминлаш.

**2.1.4.17.** Тизимдаги корхоналар раҳбарларнига бевосита тармоқ тизимида амалий фаолият билан шуғулланаётган ходимларга қуидаги миқдорларда кўшимча тўловлар тўлаш хукукини бериш:

- «Халқ» ва «Хизмат кўрсатган арбоб» фахрий унвонлари эгалари учун Республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорини (кейинги ўринларда БХМ) 3 баравари, «Хизмат кўрсатган» фахрий унвони сохиблари учун БХМнинг 1,6 баравари миқдорида (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007йил 17 декабрдаги ПФ-3942 сонли Фармони*);

- «Фан доктори» илмий даражасига эга бўлганларга МХЭКМнинг 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорда, «Фан номзоди» илмий даражасига эга бўлганларга МХЭКМнинг 0,5 бараваридан кам бўлмаган миқдорда.

**2.1.4.18.** Автотранспорт ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 23.01.2019 й. 3130-ракам билан рўйхатга олинган «Автомобиль транспорт ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низом»га мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш.

**2.1.4.19.** Тармоқ тизимида кадрлар кўнимсизлигига йўл кўймаслик, ходимларнинг ишдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида уларнинг меҳнат стажларини инобатта олган ҳолда “Кўп йил ишлагани учун тўлов тўлаш тўғрисида”ги Низомига мувофиқ ҳақ тўлаш.

**2.1.4.20.** Дам олиш ва байрам кунларидаги, ишдан ташқари вактдаги ишлар учун икки баробардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланишини ёки бир баробар ҳақ тўлаган ҳолда дам олиш кунлари (отгул) берилишини таъминлаш.

**2.1.4.21.** Тунги вактдаги (соат 22-00 дан то 6-00 гача) ишнинг ҳар бир соати учун бир ярим баробар миқдорда ҳақ тўлаш (МК 158-моддаси).

**2.1.4.22.** Меҳнат кодексининг 171–173-моддаларида кўзда тутилган харажатлар ходим томонидан тегишли хужжатлар тақдим этилганда жамоа шартномаларида белгиланган тартибда ва миқдорларда қопланишини таъминлаш.

**2.1.4.23.** Ходимларга иш ҳаки ҳар ярим ойда бир марта жамоа шартномасида белгилаб кўйилган кунда тўланади.

**2.1.4.24.** Ходимларга иш ҳаки тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан корхонанинг депозит ҳисоб ракамида маблағ йўқлиги сабабли кечикирилганда – **Иш берувчи** иш ҳакини тўлаш учун банкдан кредит олиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

**2.1.4.25.** Корхона раҳбарияти айби билан иш ҳаки тўловлари кечикирилганда раҳбарларга нисбатан мукофотдан маҳрум этиш ва ўртача ойлик иш ҳакининг 30%дан–50%гача жарима солиш чораларини кўллаш.

**2.1.4.26.** Ишлаб чиқариш ва ишлаб-чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳа ходимлари учун тармоқ миқёсида амалда бўлган ЯТСнинг “1” разряди

микдорини Республикада белгиланган ягона тариф сеткасининг "1" разряди микдоридан кам бўлмаслигини таъминлаш.

**2.1.4.27.** Молиявий имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда номинал иш ҳаки микдорини ошириш масалаларини кўриб чиқиш ва тармок миқёсида ўртача ойлик иш ҳаки микдорини (барча тўловлар ва устамаларни инобатга олган ҳолда) Республикада белгиланган МХЭКМнинг 5 баробаридан кам бўлмаган микдоргача етказиш.

**2.1.4.28.** Мехнатга ҳақ тўлаш жамғармасида тариф кисмининг улуши 50 фоиздан кам бўлмаслигини таъминлаш тавсия этилади.

**2.1.4.29.** Ўзбекистон Республикаси худуидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқномага киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилди (рўйхат раками: 1268-1, 13.09.2019й.).

-Йўл хужжатлари мавжуд бўлмаган хизмат сафарида бўлган бюджет ташкилоти ходимларига ҳар бир километрга базавий хисоблаш микдори (БХМ)\*нинг 0,08 фоиз микдорида йўл харажати тўланади (илгари бу масалани белгиланган талаблар асосида корхона раҳбарининг ўзи ҳал қилган).

-Бошқа ташкилот ходимларига жамоа шартномаси ёки меҳнат шартномасида белгиланган микдорларда бирок, ҳар бир километрга БХМнинг 0,08 фоизидан кам бўлмаган микдорда йўл ҳаки тўланади.

-Шунингдек, меҳмонхоналарнинг люкс-номерларида яшаганлигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда, ушбу номер қийматининг 70 фоизигача микдори бюджет маблағлари хисобидан, қолган кисми эса ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан қоплаб берилади (илгари факат 70 фоиз микдорида қоплаб берилган).

-Хизмат сафарида ижарада турганлик бўйича хужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолларда, ҳар бир сутка учун БХМнинг 20 фоизи микдорида харажатлар қопланади (илгари энг кам ойлик иш ҳакининг 2 фоизи микдорида қопланган).

*Корхоналарнинг жамоа шартномаларида* суткали харажатлар корхоналарнинг молиявий имкониятидан келиб чиқиб, белгиланган меъёрдан 2 баравар юкорироқ килиб ўрнатилиши мумкин.

**2.1.4.30.** Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарлари учун тўланадиган компенсация тўловларини «Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва тошкилотлар ходимларини Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарлари учун маблағ бериш тартиби тўғрисидаги низом»га мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 2015 йил 19 ноябрдаги 2730-сони билан рўйхатдан ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг 2015 йил 19 октябрдаги 92-сонли буйруги билан тасдиқланган) амалга ошириш.

**2.1.4.31.** Ходим давлат ёки жамоат вазифаларини, иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажаришда ҳамда жамият манфаатларига доир харакатлар қилганда ана шу вазифаларни бажариш вақтида унинг ўртача иш ҳакини саклаш (МК165–167-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 11 марта даги 133-сонли карорини 5-иловаси).

**2.1.4.32.** Тармок миқёсида илмий асосланган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиши учун шарт-шароит яратиш орқали меъёрий негизни ривожлантириш ишларини давом эттириш.

**2.1.4.33.** Тармок миқёсида амалда бўлган Низомларга мувофиқ куйидаги тўловларни амалга ошириш:

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ ижроия аппарати ва унинг тизим корхоналари ҳодимларига кўп йиллик ишлагани учун тўловлар тўлаш тартиби тўғрисида Низом;

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ тизим корхоналари ва ижро аппарати ҳодимларини ишлаб чиқариши фаолиятининг асосий кўрсаткичлари натижаларига кўра мукофотлаш тўғрисидаги Низом

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ ижро аппарати ва тизим корхоналарида меҳнатта ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида Низом.

**2.1.4.34.** Жамоа шартномасида бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик, ўриндошлик асосида ишлаганлик учун, хизмат кўрсатиш доираси кенгайгандиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги учун ҳодимларнинг меҳнат ҳақи миқдорииш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси келишувига асосан белгиланади. (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида»ги низомнинг II бўлими* («Меҳнатга ҳақ тўлаши») ва [23-25-бандлари](#))

**2.1.4.35.** Аёлларнинг меҳнат ҳуқуклари ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш борасида Халқаро меҳнат ташкилотини “Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенциясига риоя этишини ўз зиммаларига оладилар.

**2.1.4.36.** Меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл кўймаслик чораларини кўриш.

**2.1.4.37.** Хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ҳодимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентларини белгилашни иш берувчи билан касаба уюшмасиниг кўшма қарори орқали амалга ошириш.

**2.1.4.38.** Ўзбекистон Республикаси томонидан 1997 йил 30 августда Халқаро меҳнат ташкилотининг “Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 1951 йилги 100-Конвенцияси ратификация қилинган Ушбу конвенция коидаларига мувофиқ “Ҳақ тўлаш” атамаси иш берувчи томонидан меҳнаткашга унинг бирор-бир ишни бажарганлиги эвазига бевосита ёки бирвосита пул ёки маҳсулот тарзида тўланадиган оддий, асосий ёки энг кам миқдордаги маош ҳамда бошқа хар кандай кўшимча тўловлардан иборат.

Жинсидан катъий назар бажариладиган ишни холис баҳолашдан келиб чиқадиган фарқга мос бўлган иш ҳақи ставкаларидаги фарқга тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва аёлларни тенг рағбатлантириш принципига зид келувчи фарқ сифатида каралмайди.

Шу билан бир қаторда, эркак ва аёллар томонидан турли шароитларда, турли кўникма ва малака билан, турли кўринишдаги, жавобгарлиги бир-бирига

боғлиқ бўлмаган, лекин бир хил қийматга эга бўлган ишлар тенг микдорда рағбатлантирилади. (каслар рўйхати жамоа шартномаларида белгиланади)

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Тарафлар аёлларнинг меҳнат хуқулари ва ижтимоий афолатларнитаъминлаш борасида Халқаро меҳнат ташкилотининг “Тенг ахамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенцияга оғишмай риоя этадилар.

### **2.1.5. Меҳнатни муҳофаза қилиш.**

#### **2.1.5.1. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида:**

а) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилик хужжатлари талабларига риоя қилинишини, саноат хавфсизлиги, атроф-муҳит муҳофазаси, давлат ва тармок стандартлари ҳамда меъёрларининг бажаришини таъминлаш. Саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини бошқариш тизимини мамлакат ва хориждаги энг илгор тажрибалар асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ ташкил қилиш, хужжатларни давлат стандарти ГОСТ 12.0.230-2007 талабларига мувофиқ расмийлаштириш;

б) ишлаб чиқариш фаолиятини қонунчилик талаблари ва корхона томонидан саноат хавфсизлиги, меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича қабул қилинган талаблар, амалий ва режалаштирилган фаолиятдаги ҳамда ишлаб чиқарилаётган ва кўрсатилаётган хизматлардаги юқори даражали саноат хатарларини инобатта олган ҳолда режалаштириш ва амалга ошириш;

в) авариявий холатларни олдини олиш бўйича амалий ва барча мавжуд чора-тадбирларни бажариш, авариялар содир бўлган холатда эса-ходимлар саломатлиги, атроф-муҳит ва мол-мulkка таъсир оқибатларини юмшатиш чораларини кўриш;

г) тармок ходимлари, корхоналар ва акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқариш объектларида иш олиб борувчи пудратчилардан саноат хавфсизлиги, меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тармок миқёсида қабул қилинган тегишли стандартлар ва меъёрларга риоя қилишларини талаб қилиш;

д) корхоналарнинг барча ходимларини саноат хатарларини аниклаш ва бошқаришда фаол иштирок этишга жалб қилиш. Бу борада акциядорлик компаниялари ижроия аппарати ва ишлаб чиқариш объектлари ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш ва рағбатлантириш чораларини амалга ошириш;

е) зарурат туғилганда корхонанинг саноат хавфсизлиги, меҳнат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатини қайта кўриб чиқиш, тузатишлар киритиш ва такомиллаштириш;

ж) жамиятнинг саноат хавфсизлиги, меҳнат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид сиёсатидаги барча ўзгаришларни ходимларга, меҳнат жамоасига, хокимиятнинг ижро органларига, назорат органларига, шериклар ва бошқа манфаатдор томонларга етказиш;

з) меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси, хавфсизлик техникасига оид фаолият бўйича акционерлар ва меҳнат жамоаси олдида вақти-вақти билан йилда камида икки марта хисоботлар бериб бориш;

и) жамиятнинг барча ходимларидан хавфсизлик техникаси, меҳнат ва атроф-мухит муҳофазаси бўйича ишларни амалдаги коидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширишни талаб қилиш.

**2.1.5.2.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 22 сентябрдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Конунининг 12-моддасига мувофиқ ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

**2.1.5.3.** Касаба уюшма Республика Кенгаши билан ҳамкорликда “Ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касбий касалланишни олдини олиш бўйича тармоқ дастури”ни ишлаб чиқиш ҳамда унда белгиланган тадбирларни тўла ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш.

**2.1.5.4.** Куйидагиларнинг амалга оширилишини таъминлаш:

а) “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги соҳасида фаолият юритувчи корхона ва ташкилотлар учун саноат хавфсизлигининг умумий талаблари”га сўзсиз риоя қилинишини;

б) тизимдаги корхоналарда Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукукий хужжатлари ва саноат хавфсизлиги талабларини белгиловчи меъёрий-техник хужжатлар, тегишли услубий ва ташкилий хужжатларнинг мавжудлигини;

в) иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича шартномалар тузилишини (Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида”ги конуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори);

г) тармоқ тизимидағи ҳар бир корхонада меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун зарур бўлган ва жамоа шартномалари орқали белгиланадиган маблағларнинг ажратилишини;

д) соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг қоладиган корхона фойдаси хисобидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ажратмалари ва қонунчиликка мувофиқ бошқа тушумлар хисобидан меҳнат муҳофазаси жамгармаси ташкил қилинишини (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сонли қарори);

е) мақоми бўйича корхонанинг асосий хизмат бўлинмаларига тенглаштирилган меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг (мутахассисларининг) фаолиятини касаба уюшма қўмитаси билан келишилган низомларга мувофиқ ташкил қилинишини;

ж) тармоқ корхоналари таркибий бўлинмаларининг барча тоифадаги ходимлари, пурратчилар вакиллари ва иш майдонларига ташриф буюрувчилар учун шахсий ҳимоя воситалари, маҳсус кийим ва маҳсус пояфзалларга

кўйиладиган талабларга жавоб берадиган корпоратив стандартларни жорий этиш.

**2.1.5.5.** Ишлаб чикаришда юз берган бахтсиз ходисаларда касбий касалланиш ёки ходимнинг соғлигига шикаст етказилганда иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақалар ҳамда заарларни қоплаш тўловларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилл 11 февралдаги “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлик ҳолда жарохатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган заарни тўлаш Коидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 60-сонли қарорида белгиланган микдорларда ва тартибда тўлаш.

**2.1.5.6.** Хизмат вазифасини бажариш билан боғлик ҳолда шикастланиш, касбий касалланиш ёки саломатлигига бошқа заар етиши сабабли ходим вафот этганда унинг оиласига олти йиллик ўртача иш хакидан кам бўлмаган микдорда бир йўла нафака тўлаш.

**2.1.5.7.** Тармоқ ходимларини меъёрий хужжатларда ҳамда жамоа шартномаларида кўзда тутилган кўйидаги кафолатлар билан таъминлаш:

- касблар ва лавозимлар рўйхатига мувофиқ маҳсус кийим-бош, маҳсус пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларини бепул бериш;
- санитария-маиший хоналарни талаб даражасида саклаш;
- оғир ва заарли меҳнат шароитларини аниклаш мақсадида иш жойларини камида 5 йилда бир марта, зарурат туғилганда эса муддатидан олдин аттестациядан ўтказиш;
- иш юзасидан ювениш тақозо этиладиган ишларда – белгиланган нормаларда бепул совун бериш;
- “Сут истеъмол килиш тавсия қилинадиган ишлар рўйхати”га асосан бепул сут ёки унга тенглаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари бериш.

**2.1.5.8.** Корхоналарга янги ишга қабул қилинган лицей ва коллежларни битирган ёш мутахассисларга меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси, ёнгин хавфсизлиги, саноат хавфсизлиги ва саноат санитарияси қоидалари бўйича кириш йўл-йўрикларини бериш.

**2.1.5.9.** Корхоналарга билим юртларини битирган ёш мутахассисларни дастлабки тиббий кўрикдан ўтказиш, уларни маҳсус кийим, маҳсус пойафзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан ўз вактида таъминлаш.

**2.1.5.10.** Касаба уюшмаси Республика кенгаши билан ҳамкорликда кўйидагиларни амалга ошириш:

- жойларда юз берган бахтсиз ходиса ва аварияларни амалдаги Низомга мувофиқ текширилишида вакилларнинг иштирок этишини таъминлаш;
- ходимларнинг меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича ўқитилишини ҳамда уларнинг шу масалалар бўйича йўриқномалар, қоидалар ва нормаларга оид билимлари текширилишини ташкил қилиш;
- меҳнат муҳофазасига оид меъёрий-техник хужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2000 йил 7 январдаги 870-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги Низом” асосида қайта кўриб чиқилишини ташкил

қилиш, корхоналарни мазкур хужжатлар билан таъминлаш ва жойларда уларга риоя килинишини назорат килиб бориш;

- меҳнат муҳофазаси бўйича корхоналардаги илгор тажрибаларни ўрганиш ва уларни кенг жорий қилиш;

- меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши “Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан Республика қўриктанлови”ни ўтказиб бориш ва ҳар йил якуни бўйича унинг якунларини кўриб чикиш;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсати томонидан 2017 йил 4 апрелда тасдиқланган “Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсиялар”дан келиб чиккан ҳолда ҳар бир корхонада меҳнат муҳофазаси бўйича битим тузилиши ва унинг молиялаштирилишини таъминлаш чораларини кўриш.

**2.1.5.11.** Ходимларнинг ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминлаш (МК 214-моддаси, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун 24-моддаси).

**2.1.5.12.** Регресс даъволари бўйича заарларни коплаш тўловларини ўз вақтида ҳисоблаш ва амалга ошириш.

**2.1.5.13.** Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектларини ўз вақтида кузги-кишки мавсумга тайёрлаш чораларини кўриш.

**2.1.5.14.** Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакилларни белгиланган муддатларда ўқитиш, фаолиятига кўмаклашиш ва фаол вакилларни рағбатлантириш.

**2.1.5.15.** Касаба уюшма ташкилотининг сайланма органига меҳнат муҳофазаси бўйича тузилган битимнинг бажарилиши тўғрисида ахборотлар бериш.

**2.1.5.16.** Корхоналарга янги ишга қабул қилинган, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл – йўриклар бериш, ишларнинг бажаришнинг хавсиз услублари ва усулларини ўқитиш ишларини ташкил этиш.

**2.1.5.17.** Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналардан фойдаланиш, технологик жараёнларни амалга ошириш чоғида, шунингдек ишлаб чиқаришда ҳом ашё ва материалларни қуллаш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш чоғида ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш.

**2.1.5.18.** Ходимлар, шу жумладан раҳбарлар ўз касблари ва иш турлари учун меҳнатни муҳофаза қилишнинг давлат бошқарувини амалга оширувчи давлат органлари томонидан белгиланган тартибда ҳамда муддатларда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан ўтиши, йўл-йўриклар олиши, билимлари текширилиши ва аттестациядан ўтишини ташкил этиш.

## **2.1.6. Ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлар**

**2.1.6.1.** Корхоналарда жамоа шартномалари оркали Меҳнат кодексининг қўйидаги моддаларида назарда тутилган кафолатларга риоя этилишини ва имтиёзлар берилишини таъминлаш:

- а) 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахслар учун (103, 144, 150-моддалар);  
 б) атом объектларидаги фалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар учун (103-модда);  
 в) ногиронлари учун (68, 135, 144, 150, 214, 220-моддалар).

**2.1.6.2.** Куйидаги ҳолларда “Иссиклик электр станциялари” АЖ IESH 34-112 “Иссиклик электр станциялари” АЖ ижроия аппарати ва унинг таркибидағи корхоналар ходимларига моддий ёрдам тўловлари ҳамда таътилга кўшимча ҳак тўғрисида”ги Низомга мувофиқ тегишли хужжатлар тақдим этилганда ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш.

**2.1.6.3.** Ходимларга контракт асосида ўқиётган фарзандларининг контракт тўловларини тўлаш, ходимнинг аризаси ва тегишли хужжатлар тақдим этилганда иш ҳаки хисобидан амалга ошириш бўйича рухсат бериш.

**2.1.6.4.** Табиий оғатлардан зарар кўрган ходимларга зарар миқдорини инобатга олган ҳолда белгиланган миқдорда мавжуд маблаглар доирасида аниқлаштирилган хисоб-китобларга мувофиқ, асословчи хужжатлар тақдим этилганда бир йўла моддий ёрдам кўрсатиш.

**2.1.6.5.** Жамият тизимидан пенсияга чиқкан ишламаётган уруш фахрийларига республикада белгиланган меҳнатга ҳак тўлашнинг энг кам миқдорининг 2 баробари миқдорида бир йўла моддий ёрдам бериш.

**2.1.6.6.** Бола тарбияси муносабати билан таътилга чиқаётган аёлларга республикада белгиланган меҳнатга ҳак тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,2 баробари миқдорида бир йўла моддий ёрдам бериш.

**2.1.6.7.** Тизимда ишлаб пенсияга чиқкан ёлғиз пенсионер вафот этганда Ўзбекистон Республикасида белгиланган МХЭКМнинг 3 бараваригача, ходим вафот этганида эса МХЭКМнинг 5 бараваригача бир йўла моддий ёрдам бериш.

**2.1.6.8.** Аёлларни хохишига кўра туғишгача ва туғишдан кейинги таътиллар тугагандан сўнг уларга икки ёшгача фарзанд тарбияси учун таътил бериш ва шу давр учун конунчиликда белгиланган тартибда нафақа тўлаш. Фарзанд тарбияси билан боғлиқ таътилда бўлган аёлларга уларнинг хохишига кўра тўликсиз иш вакти белгиланиши мумкин, бунда уларнинг нафақа олиш хукуки сакланиб қолинади.

**2.1.6.9.** Ҳар бир ходим учун киши мавсумга харид киладиган қишлоқ ҳўяжалик маҳсулотлари кийматини республикада белгиланган меҳнатга ҳак тўлашнинг энг кам миқдорининг икки баробари миқдоригача компенсация килиш.

**2.1.6.10.** Уруш ва меҳнат ногиронлари, байналминалчи жангчилар, сурункали беморларга Ўзбекистон Республикаси худудидан ташкарида даволанишга (МДХ давлатларида) ўта мухтож ходимлар учун санатория-курортларига бориб келиш йўлкира харажатларининг ярмини корхонанинг молиявий имкониятидан келиб чиқсан ҳолда қоплаш.

**2.1.6.11.** Ходим, шунингдек унинг яқин қариндошлари (ота-онаси, турмуш ўртоги, фарзандлари) вафот этганда дағн маросимлари учун корхона хисобидан транспорт хизматини кўрсатиш.

**2.1.6.12.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 180-моддасига мувофиқ рағбатлантириш иш ҳаки тизими билан боғлиқ бўлмайди ва жамиятда

ишилаётган ходимларни самарали меҳнатга мотивация килиш учун кўлланилади. Ходимларни қуидагича моддий рағбатлантириш кўзда тутилади:

- Ўзбекистон Республикаси “Наврӯз” умумхалқ байрами, Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустакиллиги куни байрами, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни, Рамазон ва Курбон хайитлари куни муносабати билан – Бизнес режада кўрстилган миқдорда мукофотлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустакиллиги байрами муносабати билан жамиятда ишлаб, нафакага чиқсан фахрийлари, жамиятда 1941-1945 йиллар урушида катнашган ва имтиёzlари бўйича уларга тенглаштирилган ходимлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан уриш фахрийларини тақдирлаш тўғрисидаги Фармони Қарорида белгиланган миқдорда, 8-март Хотин-қизлар куни муносабати билан ишилаётган аёлларни – республикада белгиланган меҳнатга ҳак тўлашининг энг кам миқдорининг икки баробари миқдоригача пул ёки қимматли буюмлар билан тақдирлаш;

- ходимлар нафакага чиқишлари муносабати билан ишдан бўшаётган пайтда, амалдаги Низом асосида бир марталик мукофотлаш;

- ходимни 50, 55 аёллар учун ва 60 йиллик юбилейлари муносабати билан амалдаги Низом асосида мукофотлаш.

**2.1.6.13.** Корхона тугатилиши, ходимлар сони ёки штатлар кисқартирилиши муносабати билан тармок корхоналаридан ишдан бўшатилган, қарамогида 2 ва ундан ортиқ киши бўлган ёки оиласида мустақил иш хақи оладиган кишилар бўлмаган ходимларга бир йўла моддий ёрдам бериш. Моддий ёрдам миқдори жамоа шартномалари орқали белгиланади.

**2.1.6.14.** Тармок тизимида ижтимоий ва согликин саклаш муассасалари учун (санатория-профилакториялар, пансионатлар, дам олиш зоналари, болалар оромгоҳлари, тиббий муассасалар ва ҳ.к.) ўз вактида белгиланган миқдорларда маблаглар ажратилишини ва ўзлаштирилишини таъминлаш.

**2.1.6.15.** Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси хамда тизимда бўлмаган санаториялар, санаторий-профилакторийлар, дам олиш масканларига берилган йўлланмаларга корхоналар молиявий имкониятларидан келиб чиқсан холда маблаг ажратиш. Маблагларни ажратиш тартиби ва миқдори жамоа шартномалари орқали белгиланади.

**2.1.6.16.** Тармок тизимида камиде 20 йил ишлаб тармок корхоналаридан пенсияга чиқсан, ишламаётган пенсионерларга аризаларига мувофиқ йўлланма кийматини қисман тўлаш шарти билан корхона имкониятларидан келиб чиқсан холда 2 йилда бир марта имтиёzли йўлланмалар ажратиш. Бунда йўлланма кийматининг қисман тўланадиган миқдори касаба уюшма кўмитаси билан келишилган холда корхона маъмурияти томонидан белгиланади.

**2.1.6.17.** Қишлоқ шароитларида яшовчи кам таъминланган оилалар учун қиши мавсумида 1 тоннагача кўмир чакана нархнинг 50%ни тўлаш.

**2.1.6.18.** Тармок тариф келишуви муддати даврида Тошкент давлат техника университетининг энергетика факультети ва “Москва энергетика институти” Илмий-изланиш университетига контракт асосида ўкишга кирган талабаларга биринчи курсдан контрактлар тўловлари “Иссиклик электр

станциялари" АЖ корхоналарининг ўз хисобидан, корхонанинг эҳтиёжи ва молиявий шароитидан келиб чиккан ҳолда амалга оширилади.

**2.1.6.19.** Вактинчалик меҳнатга лаёқатсизлик ва рақалари бўйича куйидаги микдорларда нафака тўлаш:

иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, байналминал-жангчилар ва уларга тенглаштирилган шахслар, қарамогида 16 ёшга етмаган (18 ёшгача ўкувчилар) уч ва ундан ортиқ фарзанди бўлган шахслар, Чернобил АЭС ҳалокати оқибатларини тугатишда иштирок этганлар ва шу ҳалокат натижасида радиактив зарапланган зоналардан эвакуация қилинганлар ва кўчирилганлар, оғир касалликларга (ўткир лейкоз, аденона, саратон) дучор бўлганлар, ҳарбий хизматни ядрорий полигонлар ва бошқа радиактив-ядровий обьектларда ўтаган пенсия ёшидаги ногирон-ходимларга, шунингдек меҳнат жароҳати ва касбий касаллик оқибатида вактинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўлган ходимларга – тўлиқ иш ҳаки микдорида;

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар бўйича рўйхатда турган ходимларга умумий иш стажига боғлиқ ҳолда – иш ҳакининг 100 фоизгача;

бошқа холатларда умумий иш стажига боғлиқ ҳолда – иш ҳакининг 60 фоиздан 80 фоизгача.

**2.1.6.20.** Ходимларга овқатланиш учун ҳар ой республикада белгиланган меҳнатга ҳак тўлашнинг энг кам микдорининг **40 фоизида** маблағ тўлаш.

**2.1.6.21.** Ҳомиладор аёлларнинг декрет таътиллари (туғишгача ва туғишдан кейин) учун корхоналар хисобидан ҳак тўлаш.

**2.1.6.22.** Иш берувчи томонидан МК-172-моддасига мувофиқ, бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда куйидагилар тўланиши лозим:

- кўчиш ва мол-мулкни кўчириб бориш билан боғлиқ харажатлар;
- янги жойда ўрнашиб олиш билан боғлиқ харажатлар;
- ходим томонидан иш берувчи билан келишиб қилинган бошқа харажатлар.

**2.1.6.23.** жамоа шартномаларига иш берувчилар томонидан ходимлар учун йилига бир маротаба маҳаллий саёҳатта чиқиш имконини яратиш коидалари киритилади;

саёҳат харажатларининг бир кисми иш берувчиларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан қоплаб берилади.

## **2.1.7. Ижтимоий шериклик. Касаба уюшмаси фаолиятининг кафолатларига риоя этилиши.**

**2.1.7.1.** Ўзбекистон республикаси энергетика ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашини тармоқ ходимларининг ижтимоий-иктисодий манбаатларини ифодаловчи ягона вакили деб тан олинади.

**2.1.7.2.** Корхоналар касаба уюшма кўмиталари ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун уларни зарур бўлган жиҳозланган хоналар ва алоқа воситалари билан таъминлаш.

**2.1.7.3.** Асосий ишидан озод килинмаган касаба уюшма сайланма органлари аъзоларига жамоат ишларини бажариш учун ўртача иш ҳакларини

сақлаган ҳолда касаба уюшмаларига оид мажбуриятларни бажариш вақти иш хафтаси соатлари сонининг 30 фойизидан кам бўлмаслиги таъминланади (*Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Конунинг 18 моддаси*).

**2.1.7.4.** Касаба уюшма органлари штатидаги ходимларига (асосий ишидан озод қилинган касаба уюшма қўмитаси раиси ва қўмита ходимлари) моддий рағбатлантириш, хўжалик фаолиятининг асосий натижалари учун мукофотлар, рағбатлантириш, сувсизлик ва район коэффициенти ҳамда бошқа қўшимча тўловларни корхона маблаглари хисобидан тегишли раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчиларга тўланадиган микдорларда тўлаш.

**2.1.7.5.** Касаба уюшма сайланма органларидағи лавозимларга сайланганликлари туфайли асосий ишидан озод қилинган ходимларга сайлов ваколатлари тугагандан сўнг аввалги ўз ишини (лавозимини) ёки шунга тенг келадиган бошқа иш (лавозим) бериш.

Шу мақсадда, ходим корхона меҳнат жамоаси вакиллик органининг асосий ишидан озод этилган сайланма лавозимиға (касаба уюшма қўмитаси раислигига) сайланган тақдирда унинг олдинги лавозимиға бошқа шахсларни ишга қабул қилишда улар билан муддатли меҳнат шартномаси тузиш (сайланма органининг ваколат муддати даврига).

**2.1.7.6.** Куйидаги мақсадлар учун корхоналар касаба уюшма қўмиталари хисобига ҳар ойда корхона ва ташкилотлар меҳнатта ҳақ тўлаш фондининг камида 1% микдорида маблаглар ўтказилишини таъминлаш:

- маданий-оммавий, жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш ва ривожлантириш учун;

- тармок ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш учун;

- уруш ва меҳнат фахрийлари, кўп болали ва кам таъминланган оиласлар ҳамда даволанишга муҳтоҷ ходимларни зарурат туғилганда керакли санатория-курорт йўлланмалари билан таъминлаш учун;

(Бунда ўтказиладиган маблагларнинг юқоридаги максадлар учун тақсимланиш микдорлари жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади).

**2.1.7.7.** Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган меҳнаткашлар вакилларига интизомий жазо чораларини қўллаш, улар билан иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш амаллари Мехнат кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг хукуклари ва фаолиятини кафолатлари тўғрисида”ги конуни ҳамда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Корхоналарда меҳнаткашлар вакиллари ва уларга бериладиган хукуклар тўғрисида”ги 135-Конвенциясида назарда тутилган чекловларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

**2.1.7.8.** Касаба уюшма органларига сайланган ходимларни уларнинг сайлов ваколатлари тугагандан сўнг 2 йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатилишига (корхона тугатилиши ёки ходим томонидан амалдаги конунчиликка мувофиқ ишдан бўшатилишига асос бўлувчи хатти-харакатлар бундан мустасно) йўл қўймаслик. (Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги конуни, 17-модда).

**2.1.7.9.** Касаба уюшмаларининг меҳнат мухофазаси бўйича ваколатли вакиллари этиб сайланган ходимлар ва меҳнат низолари комиссияси аъзолари меҳнат жамоасининг вакиллик органи аъзоларига тенглаштирилади ва уларга мазкур келишувда белгиланган хуқук, кафолат ва имтиёзлар татбиқ этилади.

**2.1.7.10.** “ИЭС” АЖ тизимида фаолият юритаётган ва касаба уюшма ташкилоти тузилмаган ҳамда янги ташкил этилаётган хўжалик субъектларида касаба уюшма ташкилотини тузишда ўз ваколати доирасида касаба уюшмаси Республика Кенгашига амалий ёрдам кўрсатади.

**2.1.7.11.** Санатори-профилакториялар, тиббий мудассасалар, болалар оромгохлари, пансионатлар, дам олиш уйлари ва бошқа ижтимоий соҳа обьектларини сотиш, фаолиятларини ўзгартириш ёки бошқаларга бериш масалаларини касаба уюшма ташкилоти сайланма органининг фикрини инобатта олган ҳолда ҳал қилиш тавсия этилади.

**2.1.7.12.** Ходимларнинг розилиги билан корхона бухгалтерияси оркали ихтиёрий касаба уюшма аъзолик бадалларини нақд пулсиз йигиши системаси ташкил қилинишини ҳамда йигилган аъзолик бадалларини касаба уюшма кўмитасининг тегишли хисоб ракамига ўтказилишини таъминлаш.

**2.1.7.13.** Корхона хисоб ракамида маблағ етарли бўлмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2012 йил 15 марта 2342-ракам билан рўйхатга олинган “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк хисоб ва рақаларидан пул маблағларини хисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги Йўрикнома”га мувофиқ касаба уюшма аъзолик бадаллари ижро тўлов ҳужжатлари бўйича пропорция асосида хисобдан чиқариладиган маблағлар қаторига киритилади.

**2.1.7.14.** Касаба уюшмаларининг меҳнат конунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида тармоқка қарашли барча корхона ва ташкилотлар билан тизимли хамкорлигини таъминлаш.

**2.1.7.15.** Халқаро меҳнат ташкилотининг “Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳукуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-сонли Конвенциясига мувофиқ ташкилотларда касаба уюшмаларининг эркин фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратишга кўмаклашиш.

**2.1.7.16.** Касаба уюшма кўмиталари раислари ва ходимларининг иш ҳақлари учун касаба уюшма бюджетидан сарфланадиган маблағлар этишмагандан уларнинг иш ҳақлари учун тўланадиган маблағларнинг этишмаётган қисмини корхона ҳисобидан қоплаш учун мақсадли маблағ ажратиш.

**2.1.7.17.** Долзарб ижтимоий иқтисодий масалаларни мухокама қилиш учун касаба уюшма фаоллари ва иш берувчиларнинг вакиллари билан жамоатчилик эшитувларини ташкил этиб бориш.

**2.1.7.18.** 11 ноябрь “Касаба уюшмалари куни” байрами муносабати билан корхона ва ташкилотларда спорт ва маданий тадбирлар ташкил этиш.

## **2.2. Касаба уюшма Республика Кенгашининг мажбуриятлари.**

**2.2.1.** Ишлаб чиқариш вазифаларини бажариш, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратишга

мехнат жамоаларини сафарбар килишда ўз ваколатлари доирасида хўжалик органлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш ва уларга кўмаклашиш.

**2.2.2.** Ягона ижтимоий тўловлар хисобидан ажратилган маблағларни сарфланишини назорат қилиш:

- соҳа ходимлари, уларнинг оила аъзолари ва фарзандлари учун санаториялар ва болалар оромгоҳлари йўлланмалари учун белгиланган тартибда ажратилган маблағларни;

**2.2.3.** «Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини (ота-она, турмуш ўртоғи ва фарзандлари) соғломлаштириш ва дам олиш учун йўлланмалар Иш берувчи тизимидағи бошлангич касаба уюшма кўмиталари томонидан бериладиган бүртмалар асосида улар томонидан тўланадиган ижтимоий солик тўловлардан ва касаба уюшмалари аъзолик бадалларидан тушган маблағлар микдорига мувофиқ равишда ажратилади».

**2.2.4.** Корхона ва ташкилотлар касаба уюшма кўмиталарига касаба уюшма бюджети маблағларидан оқилона (рационал) фойдаланишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатади.

**2.2.5.** Касаба уюшма бюджетининг корхоналар касаба уюшма кўмиталари томонидан белгиланган мақсадлар бўйича бажарилишини таъминлайди ва назорат қиласди.

**2.2.6.** Мехнатга хақ тўлаш, иш вақти ва дам олиш вақтлари бўйича акциядорлик компания миқёсида меъёрий хужжатларни ишлаб чикишда иштирок этади.

**2.2.7.** Янги обьектларни эксперт комиссиялари томонидан қабул қилиш, шунингдек, баҳтсиз ходисаларни текшириш ишларида иштирок этиш учун ўз вакилларини жўнатади.

**2.2.8.** Мехнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва саноат санотарияси бўйича қоидалар ва бошқа меъёрий хужжатлар ишлаб чикишда иштирок этади.

**2.2.9.** Иш берувчи томонидан меҳнат қонунчилиги ва меҳнат хуқуқига оид бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларга риоя килинишини, шунингдек мазкур келишувдаги мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш.

**2.2.10.** Ижтимоий-мехнат кафолатлари ва меҳнатга хақ тўлаш шартларини таъминлаш, иш вақти режими ва дам олиш вақти, меҳнатни муҳофaza қилиш ва ходимларни саломатлигини саклаш масалалари бўйича иш берувчилар билан музокаралар олиб бориш ва ўз вақтида таклифлар киритиши.

**2.2.11.** Куйидагиларда иштирок этиш:

- меҳнат муҳофазаси бўйича касаба уюшма фаолларининг ўқишлири, семинарлари ва кенгашларини ўтказишида;
- меҳнат муҳофазаси ҳолати бўйича корхона томонидан ўтказиладиган комплекс текширувларда;
- ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича билимларини текширувчи комиссия ишида.

**2.2.12.** Корхоналарда хавфсиз ва соглом меҳнат шароитларига риоя килиниши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси ишларини яхшилашга қаратилган таклифлар тайёрлаш.

**2.2.13.** Корхоналар касаба уюшма кўмиталарига меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишда, меҳнат муҳофазаси комиссиялари аъзолари ва жамоатчи вакилларни ўқитишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш.

**2.2.14.** Иш ҳакидан қарздорлик юзага келганда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгashi раёсатининг қарори билан тасдиқланган “Иш ҳақининг ўз вактида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича касаба уюшма органларининг харакат тартиби”да кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш.

**2.2.15.** Ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими муассасаларини тамомлаб биринчи бор ишга кираётган ёшларни ишга қабул қилишда дастлабки синов белгиланмаслиги ва уларни ишдан бўшатишда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиниши шартлиги устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш.

**2.2.16.** Мулкдор ёки унинг манфаатини ифодаловчи орган олдига меҳнат қонунчилигини бузаётган ва мазкур келишувдаги мажбуриятларни бажармаётган иш берувчилар билан тузилган контрактни бекор қилиш тўғрисида таклиф киритиш.

**2.2.17.** Корхоналарда меҳнат ва технологик интизом мустаҳкамланишига, ички меҳнат тартибига риоя қилинишига ва меҳнат унумдорлигини оширишга кўмаклашиш.

**2.2.18.** Ходимларни корхона мулкини саклаш, моддий бойликлар ва ишлаб ресурсларини тежаш тушунчаларини шакллантириш ишларини амалга ошириш.

**2.2.19.** Спортнинг ўйин турлари бўйича тармоқ миқёсида мусобақалар, спартакиадалар ташкил қилиш ва ўтказиш, тармоқ терма жамоаларининг республика мусобақаларида ва биринчилигига иштирок этишини таъминлаш.

**2.2.20.** Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иктисодий, хукукий ҳимоясини таъминлаш, меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси масалалари бўйича касаба уюшма фаолларининг малакасини ошириш, ўкув семинарлари ва курслари ташкил қилиш, ўтказиш.

**2.2.21.** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII Курултойи қарорларидан келиб чиккан ҳолда иш берувчилар биргаликда куйидагиларни амалга ошириш:

- бир хил қийматдаги меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш принципини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш;
- ижтимоий йўналтирилган Дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш;
- иш берувчилар томонидан иш хақининг кафолатланган энг кам миқдорига оғишмай риоя қилиниши устидан жамоат назоратини ўрнатиш;
- қасаначилар, вактинчалик мавсумий ходимлар, шунингдек ходимларнинг бошқа ижтимоий ночор тоифалари манбаатларини ҳимоя қилиш;
- корхона банкротга учраши ёки қайта ташкил этилиши натижасида бўшаб қолган ходимларнинг хукуқ ва манбаатларини ҳимоя қилиш.

### III. Бўлим. Тарафларнинг биргаликдаги мажбуриятлари.

**3.1.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ҳар йили кабул қилинадиган ижтимоий йўналишдаги Давлат дастурларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чикиш ва уларнинг ижросини таъминлаш.

**3.2.** Ижтимоий меҳнат муносабатларини жамоа-шартномавий тартибга солиш ва меҳнат соҳасидаги ўзаро муносабатларни ижтимоий шерикчилик тамойили асосида ривожлантириш, ўзаро манфаатларни ва тенг хукуқлиликни хурмат килиш, меҳнат қонунчилиги ва меҳнат хуқуқига оид бошка меъёрий хужжатларга риоя килиш.

**3.3.** Ходимлар ва ишламаётган пенсионерлар учун меҳнат қонунчилиги ва меҳнат хуқуқига оид бошка меъёрий хужжатларда ҳамда мазкур келишувда белгиланган ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларнинг бажарилишини таъминлаш.

**3.4.** Маънавий-маърифий ва маданий-оқартув ишларини ривожлантириш, турли тадбирлар ишлаб чикиш, молиялаштириш ва уларни амалга ошириш, ҳамкорликда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш масалаларини мувофикаштириб бориш.

**3.5.** Болалар оромгохларининг ёзги мавсумга ўз вактида тайёрланишини ва ёзги соғломлаштириш мавсумини талаб даражасида ўтказилишини таъминлаш. Болалар оромгохлари йўлланмалари тўлиқ кийматини коплаш учун куйидаги миқдорларда маблағ ажратилишини кўзда тутиш:

- ижтимоий солик тушумларидан тўловлар маблағлари ҳисобидан ижтимоий сугурта сметаси баҳосининг – 22,5% миқдорида;
- касаба уюшма маблағлари ҳисобидан – ижтимоий сугурта сметаси баҳосининг 25% миқдорида;
- ота-оналар бадаллари ҳисобидан – ижтимоий сугурта сметаси баҳосининг 27,5% миқдорида;
- қолган қисми хўжалик органлари маблағлари ҳисобидан.

Бунда кам таъминланган ва кўп болали оиласлар, бокувчинини йўқотган оиласлар фарзандларини ҳамда ногирон болаларни бепул йўлланмалар билан таъминлаш.

**3.6.** Куйидаги йўналишлар бўйича ҳамкорликда чоралар кўриш:

- ходимлар ва уларни оиласларининг турмуш даражасини ошириш;
- хавфсиз ва соглом меҳнат шароитларини яратиш;
- меҳнатни ташкил қилиш ва унга хақ тўлаш тизимини такомиллаштириш.

**3.7.** Корхоналар, бўлинмалар ва касаба уюшма ташкилотлари раҳбарларини ижтимоий шерикчилик, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалалари бўйича ўкишларини ташкил қилиш.

**3.8.** Кол-марказлар, ишонч телефонлари ва виртуал кабулхоналар тармогини кенгайтириш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан кайта алоқа механизмини янада такомиллаштириш.

**3.9.** Корхоналар билан ҳамкорликда Халқаро меҳнат ташкилотининг асос соловчи конвенцияларига риоя этилишига доир чоралар тизимини ҳар йили таҳлил қилиш.

**3.10.** Ягона музокаралар жараёнини тадбиқ этиш мақсадида куйидагиларни тавсия этиш:

- тармок (тариф) келишувини – тегишли йилнинг январь ойидан, корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаларини эса – март ойидан кечиктирмай тузишни;

- тармок (тариф) келишуви ва жамоа шартномаларини бажариш якунларини касаба уюшмалари ва иш берувчилар ташкилотларининг қўшма мажлисларида, шунингдек, меҳнат жамоалари умумий йигилиш (конференция)ларда тегишли йилнинг 1 апрелидан кечиктирасдан кўриб чиқилишини.

**3.11. Аёллар меҳнатини тартибга солиш. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар.**

**3.11.1.** Тарафлар меҳнат муносабатлари соҳасида камситмаслик, ҳукуқ ва имкониятлар tengлиги, teng аҳамиятли меҳнат учун teng ҳақ тўлаш принципларига қатъий риоя этишини ўз зиммаларига оладилар.

**3.11.2.** Тарафлар аёлларнинг меҳнат ҳукуклари ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш борасида Халкаро меҳнат ташкилотининг куйидаги Конвенцияларига оғишимай риоя этадилар:

“Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвеция;

“Тeng аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга teng ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;

“Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенция;

“Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенция;

“Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенция.

**3.11.3.** Аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг ижтимоий-иктисодий манфаатларини ҳимоялаш борасида корхоналарда жамоа шартномалари орқали Мехнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш:

а) ҳомиладор аёллар учун (78, 84, 143, 224, 228, 229, 231, 233-моддалар);

б) икки ёшга тўлмаган фарзанди бор аёллар учун (143, 227, 234, 236-моддалар);

в) уч ёшгача фарзанди бор аёллар учун (78, 84, 150, 224, 228, 228\*, 234, 237-моддалар);

г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бор аёллар учун (150, 232-моддалар);

д) ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бири (vasiy, ҳомий) учун (230-модда);

е) ўн тўрт ёшга тўлмаган фарзанди ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бор аёллар учун (68, 144, 228, 229-моддалар);

ж) болаларни онасиз тарбиялаётган шахслар учун (235, 238-моддалар).

**3.11.4.** Аёлларни хошишига кўра туғишигача ва туғишидан кейинги таътиллар тугагандан сўнг, уларга икки ёшгача фарзанд тарбияси учун таътил бериш ва шу давр учун қонунчиликда белгиланган тартибда нафака тўлаш. Фарзанд тарбияси билан боғлиқ таътилда бўлган аёлларга уларнинг хошишига кўра тўлиқсиз иш вакти белгиланиши мумкин, бунда уларнинг нафака олиш ҳукуки сакланиб қолинади.

**3.11.5.** Ҳомиладор аёлларнинг декрет таътиллари (туғишигача ва туғишидан кейин) учун корхоналар ҳисобидан ҳақ тўлаш. (**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699 сонли қарори асосида**).

**3.11.6.** Бола тарбияси муносабати билан таътилга чиқаётган аёлларга Республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 1,2 баробари микдорида бир йўла моддий ёрдам бериш.

**3.11.7.** Хотин-қизлар ва эраклар учун тенг ҳукук ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклаш;

**3.11.8.** ишга қабул килишда ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эраклар учун тенг ҳукук ҳамда имкониятларни яратиш;

**3.11.9.** хотин-қизлар ва эраклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш

### **3.12. Ёшлар учун қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар.**

**3.12.1.** Корхоналар фаолияти ва ривожланишида ёш мутахассисларнинг самарали иштирокини таъминлаш, шунингдек ёшларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларини ҳал қилиш борасида қуйидагиларни амалга ошириш:

- бошқарув салоҳиятига эга бўлган иқтидорли ёш ходимларни таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва сайланма касаба уюшма органлари раҳбарлари лавозимлари захираларига қабул килиш амалиёти кенгайтирилишига кўмаклашиш;

- ёшлар билан ишлаш бўйича комиссиялар тузиш ва уларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириб бориш;

- ёш мутахассислар ва ёш усталар кенгашини ташкил қилиш;

- “Устоз – шогирд” тизимини кенг жорий этиш ва таълим муссасаларини битириб, янги ишга қабул килинган ёшларни малакали ва тажрибали мутахассисларга бириктириб қўйиш ҳамда қўнимлигини таъминлаш;

- ёш ходимлар, мутахассислар ва бошқалар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиш;

- ёш оиласлар аъзолари бўлган ходимларга хар томонлама ёрдам кўрсатиш;

- келишилган шартномалар асосида ўқув ишлари бўйича талабаларнинг малакавий амалиётларини ўтказишга шароит яратиш;

- талабаларнинг амалиёт дастурини бажаришда етакчи мутахассислар орасидан амалиёт раҳбарларини ажратиш ва зарурий шароитлар яратиш;

**3.12.2.** Корхоналарда жамоа шартномалари орқали ёшлар учун Мехнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш:

- а) ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун (135, 143-144, 202-203, 214, 239-246-моддалар);
- б) ишни таълим билан бирга кўшиб олиб бораётган ходимлар учун (103, 143-144, 249-257-моддалар);
- в) таълим муассасасини битирган ходимлар учун (68, 84, 103, 247-моддалар).

**3.12.3.** Конун хужжатларига мувофиқ ва мазкур келишув мақсадларида:

- а) 30 ёшдан ошмаган ходимлар (30 ёшлилар ҳам) ёшлар деб ҳисобланадилар;
- б) олий ва ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган ва олган мутахассислиги бўйича илк бор корхонага ишга кириб ишлаётган ходимлар таълим муассасасини тугаттандан кейин З йил давомида ёш мутахассислар деб ҳисобланадилар;
- в) расмийлаштирилган никоҳда илк бор турган ва ҳар бири 30 ёшдан ошмаган эр хотинлар ёш оиласалар деб ҳисобланадилар.

**3.12.4.** Тизимдаги корхоналар фаолиятида ёш мутахассислар иштироки самарасини янада ошириш ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимоя масаласи ечимини топиш мақсадида тарафлар куйидагиларга келишиб олдилар:

- Халқаро Мехнат Ташкилотининг “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли ва “Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги 182-сонли Конвенцияларга биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб бориш;

- ёшлар билан ишлаш бўйича комплекс дастур ва уни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чикиш;

- ёш ходимлар, мутахассислар ва бошқалар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиш;

**3.12.5.** “ИЭС” АЖ ва куи орган иш берувчилари олий ва ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасалари битиравчиларининг хуқукий саводхонлигини ошириш борасида тизимли ишларни амалга ошириш.

### **3.13 Иш берувчи мажбуриятлари.**

**3.13.1.** Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вакти, таътиллар ва бошка меҳнат шартлари соҳасида кўшимча имтиёзлар беради.

**3.13.2.** Касб-хунар таълими муассасаларида ёш мутахассисларни тайёрлаш, уларни корхона фаолиятига жалб этиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб боради.

**3.13.3.** Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўкув режасини бажараётган ходимларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексида белгиланган имтиёзларга кўшимча тарзда, ишни таълим билан кўшиб олиб бориш учун зарур бўлган кундалик иш вактининг бошланиши ва тамом бўлиши ходимга мақбул вакти ўрнатилиши кафолатланади.

**3.13.4.** Ёшларни миллий истиқолол гояси руҳида тарбиялаш, уларни турли ёт диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишларидан, заарли одатларга берилиб кетишларидан муҳофаза қилиш мақсадида давлат ва хукуқ тартибот органлари, республикада фаолият кўрсатадиган жамоат ташкилотлари ҳамда жамғармалари билан ҳамкорликда ахлоқий-тарбиявий мавзуларда давра сұхбатлари, учрашувлар ташкил қилинади.

**3.13.5.** Кам таъминланган, етим, ногирон, ёшларга яшаш шароитларини яхшилаш, дам олиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари ҳамда маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш, уларни ижтимоий-иктисодий муҳофаза қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг худудлардаги бошкармалари, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, Маҳалла фуқаролар йигинлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик қилинади.

**3.13.6.** Талаб даражасида санитар-маиший шароитлар яратиб берилади. ювениш, овқатланиш хоналари, ўқув зали, маънавият ва маърифат хонаси, кутубхоналар жиҳозланиб, маданий дам олиш учун теливизор ҳамда спорт тадбирларини ўтказиш учун спорт анжомлари хўжалик ҳисобидан харид қилинади.

**3.13.7.** Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 84-моддасига асосан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юртларининг тегишли таълим муассасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битиравчилари ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмаслиги таъминланади.

**3.13.8.** Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 247<sup>1</sup>-моддасига асосан “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг, шунингдек, давлат грантлари бўйича таълим муассасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кирган битиравчилари билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан уч йиллик муддат ўтгунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганида иш берувчи бу хақида маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиш шарт”лигини инобаттга олади.

**3.13.9.** Узок муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой сотиб олиш ва уй-жой қурилиши, шунингдек сафарбарлик чақируви захирасида хизмат ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фоизсиз судалар корхонанинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, Низом билан белгиланган тартибида берилади.

### **3.14. Касаба уюшма қўмитаси мажбуриятлари.**

**3.14.1.** Ёш йигит-қизларни касаба уюшмаси фаолиятига жалб этиш ишларини олиб боради.

**3.14.2.** Ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассисларни жалб қилишга кўмаклашади.

**3.14.3.** Ишга қабул қилинган касб-хунар таълими муассасалари битириувчилари билан меҳнат шартномалари тузилишини, уларни жамоа шартномалари билан таниширилишини таъминлайди.

**3.14.4.** Янги ишга қабул қилинган ёшларнинг иш жойларида кўнимлилигини таъминлаш бўйича ишлар олиб боради.

**3.14.5.** Ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларини амалга ошириш ишларида фаол иштирок этиш, кам таъминланган болали аёлларни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш ва кўллаб кувватлашнинг қонун хужжатларида кўзда тутилган чоралари амалга оширилишини таъминлаш.

**3.14.6.** Маҳаллалардаги ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оиласларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили “Наврӯз” ва “Мустақиллик” байрамлари арафасида жойларда ўтказиладиган мақсадли умумхалқ хайрия хашарларида фаол иштирок этиш.

**3.14.7.** Кам таъминланган ва кўп болали оиласлар аъзолари, Чернобил АЭСдаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байналминалчи жангчилар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдида хизматлари бор шахсларнинг маълум миқдорини ҳар йили касаба уюшмалари санаторияларида корхона ҳисобидан бепул соғломлаштирилишини жамоа шартномаларида кўзда тутиш.

**3.14.8.** Корхоналарда жамоа шартномаларининг тегишли йилни март ойидан кечиктирмай тузилишини таъминлаш.

**3.14.9.** Корхоналар жамоа шартномаларининг касаба уюшма Марказий кенгashi раёсатининг қарори билан тасдиқланган “Жамоа шартномаларининг тармоқ макети”га мувофиқлигини таъминлаш.

**3.14.10.** Долзарб ижтимоий-иктисодий муаммоларни муҳокама қилиш учун тармоқ касаба уюшма фаоллари ва иш берувчилар вакиллари билан давра сұхбатларини ташкил этиш.

**3.14.11.** Корхоналарга касаба уюшма аъзоси бўлмаган янги ходимларни ишга қабул қилишда уларга касаба уюшмасига аъзо бўлишиликни таклиф этиш ва аъзолик афзалликларини асослаш.

**3.14.12.** Касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмаларининг қонуний ҳукукларига риоя этиш, уларнинг қонун хужжатларида белгилаб кўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилинишига йўл кўймаслик.

#### **IV. Бўлим. Маданий-маърифий, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва спорт ишлари.**

##### **4.1. Иш берувчи:**

**4.1.1.** Касаба уюшмаси кўмитасига ўз балансида турган ёки ижарага олган ижтимоий ва бошқа обьектларни, шунингдек дам олишни ташкил этиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари билан маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишларини олиб бориш учун зарур бўлган дам олиш масканларини, болалар-ўсмирлар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳларини бепул фойдаланиш учун беради.

**4.1.2.** Ҳар ойда меҳнатта ҳақ тўлаш жамгармасининг 1%ни маданий-маърифий, жисмоний тарбия тадбирлари, республика худудидаги тарихий

қадамжоларга саёхатлар ташкил этиш, концертлар, театрларга чипталар ва истироҳат боғларига таклифномалар харид қилиш, моддий ёрдам кўрсатиш, рагбатлантириш, касаба уюшмаси қўмитасининг штатдаги ходимларига қўшимча ҳақ тўлаш ва бошқа мақсадлар учун **Касаба уюшмаси қўмитаси** ҳисоб ракамига ўтказиш мажбуриятини олади (*Ўзбекистон республикаси “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси*).

**4.1.3.** Касаба уюшма қўмитаси томонидан “ИЭС” АЖ тизим корхоналари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини дам олиш кунларида ички туризм, диккатта сазовор жойларига – маданий мерос объектлари, музей ва зиёротгоҳларга саёхатга чиқишиларини ташкил этади.

Касаба уюшма қўмитаси ва Иш берувчи томонидан ички туризм бўйича саёхатлар ташкил этилганда ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг хавфсизлигини таминлайди.

Шунингдек, ушбу саёхатлар Касаба уюшма қўмитаси ва Иш берувчи маблаглари ҳисобидан ташкил этилади.

**4.1.4.** “Соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантириш мақсадидамехнат жамоасида фаолият юритаётган бир нафар ходимга “Спорт тарғиботчиси” қўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим лавозим маошига 20 фоиз микдорида устама белгиланишини йўлга қўйиш”.

## **4.2. Маданий-маърифий ишларни яхшилаш учун тарафлар куйидагиларни ўз зиммасига оладилар.**

**4.2.1.** “Маънавият ва маърифат” хонасини ташкил этиб, уни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Республика Маънавият ва маърифат маркази тавсиялари асосида жиҳозлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар, стенд ва техник воситалар билан таъминлайди.

**4.2.2.** Давлат дастурларини бажариш доирасида таникли фан, адабиёт ва санъат арбоблари, адабиётшунослар, ишлаб чиқариш илгорларини жалб этган ҳолда меҳнаткашлар ва ёшлар ўртасида, турли мавзуларда мазмунли ва кизикарли учрашувлар ташкил этади.

**4.2.3.** Корхона балансидаги кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, маданият уйлари ва саройлари фаолиятини корхона ҳисобидан янада ривожлантириш, уларни саклаб туриш, моддий техника базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш, жиҳозларини янгилаш, уларда ишловчи ходимлар ойлик маошларини молиялаштиради. Кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини янги адабиётлар билан тўлдириш, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларни жалб этган ҳолда, миллий гоя ва маънавий-маърифий дунёкарошни ўстириш борасида тадбирлар ўтказади.

**4.2.4.** Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида бадиий хаваскорликнинг янада ривожланишига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш, республиканинг тарихий шаҳарларига ва ўз худудларидаги диккатта сазовор жойларга саёхатлар уюштиради.

**4.2.5.** Умумхалқ ва касб байрамларини нишонлаш кунларида касб маҳорати ва бадий хаваскорлик бўйича мусобақа, танлов ҳамда тадбирларни ўюштиради.

**4.2.6.** Бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламдаги ислоҳатларнинг мазмун моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини меҳнаткашларга атрофлича тушунтириш мақсадида ҳар ойда 2 марта “Марифат соатлари”ни ўтказиб бориш.

**4.3.** Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Конунига биноан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соглом турмуш тарзини тарғибот қилиш мақсадида тарафлар кўйидагиларни ўз зиммасига оладилар:

**4.3.1.** Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун етарли моддий бошқа шароитлар яратиб бериш ҳамда меҳнат жамоасида ходимлар гимнастикасини жорий этади.

**4.3.2.** Жамоат ташкилотлари ва жамғармаларни жалб этган ҳолда, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини оммавий спортга, тури спорт секциялари, тўгаракларига жалб этиш ҳамда улар ўртасида спартакиадалар ва спорт турлари бўйича мусобақалар ўюштиради.

**4.3.3.** Корхона балансида бўлган спорт иншоотлари, стадионлар ва майдончаларнинг фаолиятини корхона маблағлари хисобидан янада ривожлантириш, моддий техника базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш, спорт инвентарлари ва жиҳозларни янгилайди.

**4.3.4.** Спорт федерациялари билан алоқаларни мустаҳкамлайди.

## **V. Бўлим. Мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш соҳасида.**

**5.1.** “ИЭС” АЖ ва касаба ўюшма Республика Кенгаши меҳнат жамоалари аъзоларининг хуқук ва манфаатлари максимал даражада таъминланишини инобатта олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва меъёрий ҳужжатларнiga мувофиқ тармоқ корхоналарини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш дастурини амалга оширади.

**5.2.** Акциядорлик жамиятларида овоз берувчи акциялар сони 1%дан кам бўлмаган улушга эга бўлган меҳнат жамоасининг таклифига кўра кузатув кенгаши аъзолигига сайланадиган номзодлар таркибига асосий ишидан озод қилинган касаба ўюшма кўмитасининг раислари киритилади.

**5.3.** Меҳнат жамоасига тегишли бўлган акциялар меҳнат жамоаси умумий йигилиши томонидан тасдиқланган Низомга асосан тақсимланади.

**5.4.** Хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоаси аъзоларига бериладиган имтиёзлар Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун асосида амалга оширилади.

Акциялар учун ҳақ тўлаш тартибини давлат мулкини тасарруф этишга ваколат берилган орган белгилайди.

## VI. Бўлим. Келишувнинг бажарилишини ташкил қилиш ва назорат қилиш тартиби.

**6.1.** “ИЭС” АЖ бошқаруви ва касаба уюшма Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси:

**6.1.1.** Мазкур келишув ва жамоа шартномаларининг бажарилишини мунтазам равишда назорат қилиб бориш ҳамда юзага келган ижтимоий-иктисодий муаммоларнинг тезкор ҳал қилинишига эришиш максадида корхоналарда доимий фаолият кўрсатувчи икки томонлама меҳнат консультациялари комиссияларининг ташкил қилинишини таъминлайдилар.

**6.1.2.** Заруриятта караб, лекин камида йилда бир марта келишувнинг бажарилишини “ИЭС” АЖ бошқаруви ва касаба уюшма Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси мажлисларида муҳокама қилиб боришади, ушбу масала бўйича тармоқ тизимидағи корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг хисоботларини эшитадилар.

**6.1.3.** Келишувда кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вактида бажарилишини назорат қилишади, камчиликлар ва тадбирларни бажармаслик фактлари аникланганда томонларни хабардор қиласди ва камчиликларни бартараф қилиш бўйича тегишли чоралар кўрилишини талаб қиласдилар.

**6.1.4.** Зарурат туғилгандан факат ўзаро келишилгандан кейингина ушбу келишувга томонлар олдин қабул қилган мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган кўшимчалар ва ўзгартиришлар киритадилар.

**6.2.** Келишувни бажаришда томонлар ўртасида юзага келувчи баҳсли масалалар келишув комиссияси томонидан ҳал қилинади.

**6.3.** Келишувда кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаган ёки тўлиқ бажармаган масъул мансабдор шахсларга нисбатан амалдаги конунчиликда белгиланган тартибда чора кўрилади.

**6.4.** Томонлар таркибий тузилишида ўзгаришлар ёки қайта тузилишлар юз берган ҳолда тегишли органлар уларнинг хуқукий ворисларини аниклайдилар ва ворислар ушбу келишувни бажаришга мажбурдирлар.

**6.5.** Келишувни тузган томонлар уни барча меҳнат жамоаларига ва касаба уюшма органларига етказиши таъминлайдилар.

**6.6.** Келишувни бажарилиши бўйича жавобгарлик бошқарув раиси ва касаба уюшма Республика Кенгаши раиси, уларнинг ўринбосарлари ҳамда келишувдаги муайян тадбирлар бажарилиши учун масъул бўлган мансабдор шахслар зиммасига юклатилади.

**6.7.** Мазкур Келишув томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва янги келишув қабул қилингунга қадар амал қиласди.

“Иссиклик электр станциялари”  
акциядорлик жамияти  
бошқаруви раиси

Ф.М. Абдурахманов



Ўзбекистон энергетика, нефт-  
газ ва геология ходимлари  
касаба уюшма Республика  
Кенгаши раиси

Ш.Т.Курбонов



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
BANDLIK VA MEHMAT
MUNOSABATLARI VAZIRLIQI
OB 2006 YIL
No 676

**“Иссиклик электр станциялари” акциядорлик жамиятидан:**

А.Т. Джураев

Бошқарув раисининг ўринбосари,  
комиссия ҳамраиси

А.М. Арзиходжаев

Иктисадиёт ва прогнозлаштириш бош  
бошкармаси бошлиги, комиссия аъзоси

Д.О. Хажиев

Мехнатни ташкиллаштириш ва ҳак  
тӯлаш бўлими бошлиги, комиссия  
аъзоси

М.М. Насиров

Юридик бўлими бошлиги, комиссия  
аъзоси

Ф.А. Тургунова

Ходимлар билан ишлаш бўлими  
бошлиги, комиссия аъзоси

**Касаба уюшма Республика Кенгашидан:**

Г.Ю.Хамидов

Республика кенгаши раисининг  
ўринбосари, комиссия ҳамраиси

Р.П. Джураев

Республика кенгаши ижтимоий химоя  
бўлими мудири, комиссия аъзоси

Б.У.Абдуллаев

Республика Кенгаши бош меҳнат  
хукуқ инспектори

З.И.Ибрагимова

Республика кенгаши молия бўлими  
мудири, комиссия аъзоси

С.С.Сайдмакмудов

Республика кенгаши бош меҳнат  
техник, комиссия аъзоси